ФАКТ ВА ШАРҲ

# ҲАҚИҚИЙ ТАДБИРКОРГА РАҒБАТ БЕРИЛАВЕРАДИ

***Газетамизга кун сайин мамлакатимиз шаҳарлари, қишлоқларида ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар фаолияти ҳақида ёзилган хат-хабарлар келиб турибди. Улардан бири -- «Оққўрғон пишлоғи» деб номланган. Хабарда шундай дейилади: «Тошкент вилоятининг «Оққўрғон» давлат хўжалигидаги сутни қайта ишлайдиган кичик корхонада ишлаб чиқарилаётган ўндан зиёд турдаги маҳсулот жаҳон андозалари даражасида эканлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда. Корхона Исроилнинг «Пладот» фирмаси технологияси билан жиҳозланган бўлиб, МДҲ давлатлари орасида ягона ҳисобланади».***

Ёки Бухородан юборилган «Тилло--2 янги заводи» сарлавҳали мақолада хабар берилишича, Ромитан туманидаги «Тилло--2» кичик корхонаси қошида терини ошлайдиган ва қайта ишлайдиган мўъжаз завод ишга туширилибди. 30 нафар ишчи ва хизматчидан иборат жамоада ҳозирча пўстин, телпак ва бошқа тайёр кийимлар ишлаб чиқарилаётган экан. Тадбиркорларнинг нияти улуғ дастлабки йилда 700 минг сўм соф фойда олишни мўлжаллаб туришибди.

Таҳририят почтасидан бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Зеро, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ ҳукуматимиз хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Бугунги кунда юзлаб, минглаб тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жойларда ташкил этилаётган кўплаб ишчи ўринларида ҳам бевосита ишбилармону тадбиркорларимизнинг муносиб хизматлари бор. Аммо шаклланиш босқичида юзага келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу боис мамлакат раҳбарияти соҳани сира эътибордан четда қолдирмаётир. Айниқса, шу йил 31 январь санасида «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони тадбиркорликни ривожлантириш сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожига кўмак бермоқчи бўлган қатор хорижий кредиторлар, жумладан, Европа Тикланиш ва Ривожланиш банки, Осиё Ривожланиш банки, Япония Эксимбанки, Халқаро молия корпорацияси каби муассаса ва ташкилотларнинг кредит маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан йўлланмалар берилган. Куни кеча эса Вазирлар Маҳкамасининг иккита фармойиши қабул қилиндики, улар юқорида таъкидланган Фармоннинг бевосита ижросига қаратилгандир.

Ушбу муҳим ҳужжатлар кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши таркибини тасдиқлади ва бу кенгаш олдига кичик бизнесни ривожлантиришга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, ушбу йўналиш бўйича жуда катта ташкилий, молиявий тадбирларни амалга ошириш, ўқувлар, семинарлар уюштириш, бир сўз билан айтганда, кичик ва ўрта корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаларини қўяди. Кичик ва қўшма корхоналарнинг молиявий, ишлаб чиқариш фаолиятларини жиддий таҳлил этиш, ночор ва истиқболсиз корхоналарни рўйхатга олиш, хорижий сармояларни жалб этган ҳолда қўшма корхоналар барпо этиш йўли билан уларни реструктуразациялаш ва соҳани ўзгартириш ёки ана шу корхоналарни банкрот, деб эълон қилиш ва тугатиш юзасидан таклифлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, кўплаб кичик ва қўшма корхоналар бозор иқтисодиёти қонунлари, бугунги кун талаблари даражасида иш юрита олмаяпти. Бундай корхоналар ўзаро рақобатта дош беролмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис, мавжуд имкониятларни ҳақиқий тадбиркорларга кўмак учун сафарбар этиш энг тўғри йўлдир. Зеро истиқболга юз тутаётган битта корхона эртага келажаги йўқ корхоналар ўрнини боса олиши шакшубҳасиздир.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### УЮШМА БУЮРТМА ОЛАДИ, ҚУРОЛ СОТАДИ

***МОСКВА. Приморье ўлкасида ҳарбий-саноат корхоналари мажмуаси уюшмаси ташкил этилди.***

Маълумки, мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ҳарбий аслаҳаларга эҳтиёж камаймоқда. Шу боис ушбу уюшма ҳарбий-саноат корхоналари маҳсулотларини сотиш ва буюртма олишни ўз зиммасига олади.

### КУРАШ УСУЛИ ЎЗГАРДИ

***МЕХИКО. Гватемаладаги қўзғолончилар -- Гватемала миллий инқилобий бирлиги (ГМИБ) ўз сиёсий партиясини тузишга қарор қилди.***

Айни пайтда ГМИБнинг муваққат раҳбарияти ўз фаолиятини бошлади. Маълумки, 36 йил давом этган қуролли можаролардан сўнг 1996 йили мамлакат ҳукумати ва ГМИБ ўртасида ўзаро ярашув битими имзоланган эди.

Оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, ГМИБ қуролли кураш олиб боришдан мутлақо воз кечиб, сиёсий кураш йўлини танлаган.



СУРАТДА: Франция. Туризм маркази.

### ВАЗИРНИНГ БАЁНОТИ

***Туркия Бош вазири ўринбосари ҳамда ташқи ишлар вазири Тансу Чиллер Европа Иттифоқига аъзо давлатларга мурожаат этиб, мазкур иттифоқни кенгайтиришда «тарихий хато»га йўл қўймасликка даъват қилди.***

Бу ҳақда Тансу хоним расмий ташриф билан Туркияга келган Голландия ташқи ишлар вазири ва айни пайтда Европа Иттифоқи кенгашининг муваққат раиси бўлган Ханс Ван Мерло билан ҳамкорликда ўтказилган матбуот анжуманида баёнот берди.

Маълумки, аввалроқ Туркия ҳукумати Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлмас экан, НАТОнинг Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайишига қарши туражагини маълум қилган эди.

### ПАРЛАМЕНТ РАИСИ САФАРДА

***ЛИТВА парламенти раиси Витаутас Ландсбергис Европа давлатлари ва АҚШ бўйлаб сафарга чиқди.***

Ташрифдан мақсад АҚШ ва Европа мамлакатлари раҳбарларини Литванинг НАТОга қабул қилиниши масаласида қўллаб-қувватлашга чақиришдир. В. Ландсбергис сафар давомида Оқ уй маъмурияти, ГФР ва Чехия ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

### ЗАРУРИЯТ ТУҒИЛГАНДА

***АҚШ ҳарбий-денгиз қўшинларига қарашли «Нассау» кемаси Зоир соҳилига келди.***

Америка матбуотининг ёзишича, фуқаролар уруши бошланган ушбу мамлакатда 500га яқин АҚШ фуқароси яшайди ва уларнинг тақдири Оқ уй маъмуриятини жиддий ташвишга солаётир. Бироқ, Зоирдан олинган маълумотларга қараганда, айни пайтда «Нассау» экипажи Зоирдаги америкаликларни олиб чиқишга шошилаётгани йўқ. Чунки, у ердаги америкаликларнинг ҳаммаси пойтахт Киншасада истиқомат қилади ва зарурият туғилган пайтда бир йўла уларнинг барчасини кемага олиб келиш катта қийинчилик туғдирмайди.

### КИМ БИЛСИН, БАЛКИ...

***Япония матбуоти «Ниҳон сэкигун» (Япония қизил армияси) деб номланган экстремистлар гуруҳининг 15 аъзоси Колумбия ўрмонларида «Колумбия инқилобий қуролли кучлари» жангчиларига турли хил қўпорувчилик содир этиш йўлларини ўргатмоқда, деган хабар тарқатди.***

Бу хабар Колумбия хавфсизлик хизмати ҳамда Интерпол вакиллари берган маълумотларга таянган ҳолда эълон қилинган. Айни пайтда Колумбия хавфсизлик хизмати ходимлари «Ниҳон сэкигун миссияси» аъзоларини қидиришга киришди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

UZ-DAEWOO ● UZ-DAEWOO ● UZ-DAEWOO



# «ДАМАС», «НЕКСИЯ», «ТИКО»ЛАР ҚИССАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

-- Ҳамма йўллар Асакага оборадиган бўп қолди. -- деди у қувониб. -- Аввалари «Олтин водий» Асакаю Қувадан «пўш-пўш» — деганича ғизиллаб ўтиб кетарди. «ЎзДЭУ авто» пайдо бўлгач, Асакага келиб, қўл қовуштириб турмай иложи йўқ. Бекатда жой талашиб қатор-қатор турган юк поездлари беҳисоб. Асака-юк поездларининг ҳам маркази бўп кетди. Турли туман давлатларнинг нотаниш ёзувлари, тушингда ҳам кўринмаган ному манзиллар...

-- Автобус, автомобил қатновларини айтмайсиз, кеча-кундуз ғизиллаб ўтгани ўтган, -- деди тижоратчи. -- Асака Буюк ипак йўлининг шоҳ бекатига айланяпти.

Суҳбатга андижонлик олим аралашди.

-- «ЎзДЭУ авто» Андижонни ҳам обод қилиб юборди. «Нексия», «Дамас», «Тико»ларнинг катта бозори Андижонда. Кассирлари тонгдан тонггача пул санашади. Шу туфайли бизда нақд пул муаммо эмас. Ойлик маош, стипендия, нафақаларни бир соат ҳам кечиктирмай жарақ-жарақ санаб оляпмиз. Асака автомобилсозларининг бу мурувватидан ҳаммамиз миннатдормиз!

Поездлан тушиб, «Тико»га миниб, Асакага етгунимча кекса киракашнинг ҳикояси тугамади. У Асака автомобилларининг туғилишидан тортиб, сотилишигача, ҳар мақомга енгил йўрғалаши-ю «оз ем еб, узоққа чопишию беминнат хизмати»гача оқизмай, томизмай гапирди. У митти -- «Тико»дан мамнун ва миннатдор эди. Заводини ҳам шаҳар ичидаги шаҳар дейсиз эмиш.

«Шаҳар ичидаги шаҳар» бўлмиш «ЎзДЭУ»га Асака марказидан бир ярим чақиримча мисоли ойна ётқизилган тиниқ, кенг-кўлам йўлдан бордик. Эллик беш гектар майдонга қурилган, сон-саноқсиз механизм ҳаракат қилаётган бепоён ишхонада ҳеч ким йўқдай жимлик ҳоким эди.

Ниҳоят, бу ерда қатъий қилиб ўрнатилган қоидалар босқичидан ўтиб, Югославия бинокор усталари яратган малла ранг бинога кириб, Бош директор қабулхонасига кирдим. Кенг қабулхонада итальянлар ясаган ярим давра столида икки котиба ўтирибди. Ўнг томонда ўзбек қизи, чап томонида корейс жувон. Иккала котиба ҳам бизнинг бу ерга киришимиздан хабардор экан. Хушбичим, дилкаш ўзбек қизи мулойим муомалада:

-- Ташрифингиздан Бош директор мамнунлар, аммо у киши олдидаги хорижий меҳмонлардан бўшагунча ёрдамчилари хонасида бир пиёла чой ичиб турсангиз, -- деди.

Абдуманноп Исмоилов Бош директорнинг фикри-зикри, қўйган қадами, бутун номаи амолидан хабардор -- заводчилар тили билан айтганда, «информированный» одам, юксак маданиятли муҳандис, бошлиғининг қўл-оёғидай ходим экан. Бош директорга бориб ҳал бўладиган ҳамма ишлар шунинг қўлидан ўтаркан. У киши мени корхона одамлари ва уларнинг ишлари билан ошно қилди.

«Американи Америка қилган қудрат -- автомобиль саноатидир» деган эдилар. Илло «Ўзбекистон -- буюк авто» индустрияси ҳам мамлакатимизни буюк қилувчи бир иқтисодий мўъжиза бўлиб хизмат қилиши турган гап!

Бу бепоён саноат кошонаси энига ва бўйига 55 гектар ерга икки терак бўйи баландликда жойлашган. Ҳар икки дақиқада бир «Нексия» ёки «Дамас», ёки «Тико» туғилади. Туғилади-ю сафарга чиқади.

Унинг ўз савдо марказлари, хизмат кўрсатиш устахоналари, банклари, ёрдамчи корхоналари мавжуд. Ана шу ЎзДЭУни бир неча директорлар ва Бош директор Шуҳрат Юсупов бошқаради.

Шуҳрат Юсупов «ЎзДЭУ» кошонасидан сал нарида, ҳозирги Асаканинг қоқ киндигида -- зиёли оилада туғилган, 1971 йили Политехника институтини битирганидан бери саноат соҳасига раҳбарлик қилишда чиниққан, бу ерда эса 1994 йил май ойидан буён раҳбар.

Бўйи-басти камтарона кўринса-да, ўзини тутиш-туришида бир олам салобат тўкиб турган бу одам билан ўз хонасида учрашдик. Кенг, ёруғ, оддий, аммо Италиянинг замонавий мебелида жиҳозланган кабинет уни заводнинг ички-ташқи дунёси билан боғлаб турадиган алоқа воситаси-ю корхонасида ўрмалаган чумолини ҳам кўрсатиб турувчи ўз ойнаи жаҳони -- компьютери ишлаб, ҳамиша ҳушёр, бутун корхонага кўз-қулоқ ёрдамчилари бор.

-- Бизнинг корхонадай энг замонавий жаҳон андозаси даражасидаги саноатни яратиш Ўзбекистон учун бир мўъжиза. -- деди у. -- Бундай юксак техникавий компьютерли, роботли нозик саноатни қуриш юксак маданиятга эришган мамлакат қўлидан келарди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз энг замонавий автомобилсозликни ўз ривожи даражасида эмас, ундан юз йилларча олдинги даражада бунёд этди. Бинобарин, бу янги корхона бутун мамлакат ҳаётини тубдан ўзгартириш талабини ўртага ташлади. Нима учун? Маълумки, замонавий автомобилсозлик фан ва техника илмининг энг сўнгги ютуқларига асосланади. Унинг ривожи эса, умум машинасозлик соҳасинигина эмас, балки, металлургия, химия, радиоэлектроника, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик саноати соҳалари ва жуда кўп тармоқларнинг ривожланиши, айниқса, йўл қурилиши ва техникага хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайишини келтириб чиқаради. Бу саноатни муҳандислар, ишчи, техник мутахассислар малакасини оширмай ривожлантириб бўлмайди. Совет даврида хомашё базаси бўлиб қолган Ўзбекистон бу талабларнинг бирортасига тўлиқ жавоб беролмас эди.

Республикамиздагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган бу автомобилсозлик корхонасининг ишга тушиши Ўзбекистон саноати комплекси тизимини қайта қуришни тезлаштирди. Иккинчидан, арзон, аммо комфортабелли енгил автомобиллар чиқарилиши таъминланди. Учинчидан, автомобилсозлик саноатимизнинг пайдо бўлиши аҳолини иш билан таъминлаш ва Ўзбекистоннинг оғир ижтимоий муаммоларини ҳал қиладиган омилларнинг бири бўлиб майдонга чиқди, аммо осонликча эмас. Унинг бир қучоқ достони бор...



### «СЕУЛГА ВАКИЛ КЕЛДИ»

Юртимизда автомобил саноати яратиш ғоясининг муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов эди. Ҳар қандай мамлакатнинг энг замонавий, энг юксак тараққиёти автомобилсозликдан бошланишни яхши билган юртбошимиз мустақил Ўзбекистонни ҳам яқин келажакда буюк давлат қилишни ўз автомобилсозлигини яратишдан бошлашга аҳд қилди ва Ўзбекистонга хос, замон талабига мос авто андоза қидириб, дунё кезди. Ниҳоят, 1992 йилнинг



июнь ойида Жанубий Курияга қилган ташрифида юртига муносиб келажак қидиргандай заводма завод юриб, синчковлик билан танлов ўтказди.

«Сеулга вакил келди» деган қанотли гапни ўшанда қурияслик тижоратчилар тарқатган эди. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламас, деганларидай, Ўзбекистондан келган энг юқори мартабали меҳмон машҳур компаниялар ичидан «ДЭУ» корпорацияси «ДЭУ Паблик Моторз» заводининг бир эмас, уч бойлигини -- «Дамас», «Нексия», «Тико»ларни ёқтириб қолди. Нима учун? Уларнинг нимаси ёқди? Ислом Каримов Оврупада ҳам, Хитой билан Индонезияда ҳам кўп машиналарни кўрган, аммо бунақанги бежирим, содда, кам харажату сердаромадларини кўрмаганди.

Президентимизнинг таклифи корпорация Президенти Ким У Джун жанобларига ҳам маъқул тушди-да, рози бўлди. Мустақиллигимизнинг бир йиллиги арафасида -- 1992 йилнинг 29 август куни ана шу қўшма корхонанинг таъсис битими имзоланди.

Ўшандан кейиноқ қурияликлар «Дамас», «Нексия» ва «Тико»лар келиб тушадиган жойни кўргани келдилар ва Асакани танладилар. Нега Тошкенту, Самарқанд, Фарғона қолиб, Асакани танлашди? Очиғи, қатъий шартлари бор экан: аввало ишчи кучи кўп жой бўлсин, қолаверса, темир йўли яқин, автомобил йўллари соз, газ, нефт, электр қуввати етарли даражада муҳайё бўлсин экан. Буларнинг ҳаммаси Асакада жамулжам эди. Шундай қилиб, қўшма корхона бизга унча иш бермай турган прицеп заводининг ўрнига қуриладиган бўлди.

Қурилиш зудлик билан бошланиб, кеча-кундуз давом этди. Эскиликни кўчириб, янгиликни ўрнатиш жараёни икки жабҳада бирдай борди.

Прицеп заводини кўчириш икки йил давом этди ва 1994 йил ноябрь кунларида янги завод иншоотлари қурилиши бошланди. Қайноқ жараёнда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган қурилиш ташкилотлари иштирок этдилар, жами 3500 ўзбек-корейс бинокорлари, Қуриядан келган юзлаб, минглаб машинаю техника қуроллари тўнғич «Дамас» туғилган ўша тарихий кунгача «жанг» майдонидан нари кетмадилар. Янги завод қурилиши майдонида тарихимиз кўрмаган меҳнат жараёни қайнаса-да, аввалгидай шовқин-сурон сезилмади. Соз меҳнат ва оз харажат билан қисқа вақт ичида афсонавий ҳажмда ишлар бунёд қилинди. Айтмоққа осон, аммо тасаввур қилиш қийин.

Қийин бўлса-да, уларнинг баъзиларини айтиб ўтгим келди. Масалан, шу қисқа муддатда юз минг квадрат метр ишлаб чиқариш корпуслари ишга тушди, ўттиз беш минг квадрат метрли ёпиқ ва бир юз ўн квадрат метрли очиқ машина омборлари, саксон минг квадрат метрли йўл ва йўлакчага бетон ётқизилди, икки ярим минг метр масофага ички темир йўл қурилди. Заводга ҳаммаси бўлиб бир минг беш юз вагонда келган технологик жиҳозлар ўрнатилди. Қурилди, тикланди, бунёд этилди... Тан бермай илож йўқ. Бундай суръат Қурияда ҳам



қурилмагани учунми, бунга корпорация Президенти Ким У Джун жаноблари ҳам тан бериб, «офарин!» деди.

Корхонанинг асосий иш майдонида пресслаш-пайвандлаш, бўёқ, йиғув, асбобсозлик каби асосий цехлари жойлашди ва бу ўн олти гектарли улкан бинода АҚШ, Олмония, Япония ва Жанубий Қурия технологияси асосида автомобил ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг муҳими -- ишлаб чиқаришда юзлаб роботлар -- темир одамлар меҳнат қилади, жараённи эса ақлли, доно компьютер жаноблари бошқаради. Шуларнинг ҳаммасини уч юз нафар қуриялик ва бир минг нафар ўзбек фарзанди монтаж қилаётган кезда заводга Президент Ислом Каримов ташриф буюрди ва ишларнинг боришидан мамнун бўлиб «яқин фурсат ичида бу қурилишни тугаллаймиз ва иншооллоҳ, деярли ҳар бир хонадонда Ватанимизда чиққан енгил машина хизматда бўлади» -- деди.

### ЎЗБЕКЛАР ҚУРИЯДА

Президент орзу қилган ўша яқин фурсатни яқинлатиш ва деярли ҳар бир хонадонда ўз қадоқ қўлларидан чиққан енгил машинани хизмат қилдириш мақсадида ҳар бир заводчи ёниб, қайнаб-тошиб ишлади. Бу мақсадга эришиш осон эмасди. Аввало бу нодир ва нозик техника, роботу-компьютерлар тилини билиб, жонли дилдан жонсиз техника дилига йўл топиш керак эди. Бунинг учун тил билиш, дил билиш, янги ҳунарни эгаллаш керак эди.

Асакаю, Андижон, атроф туман ва қишлоқлардан техникадан салгина хабардор ва озми-кўпми чет тилини биладиган ёшлар танлов асосида ишга қабул қилинди. Улар заводда яна тил ўргана бошладилар. Бу соҳада анча етишиб қолганлари пешма-пеш, гуруҳларга бўлиниб Қурияга иш ўргангани юбориб турилди. Улар Жанубий Қуриянинг йирик автомобил корхоналарида уч ойдан тўққиз ойгача иш ўргандилар. Асака заводи ишга тушгунича бир минг беш юз ишчи, мастер ва муҳандис таълим олиб келди, улар кетидан яна юз эллик, икки юз кишилик гуруҳлар малака ошириб қайтдилар. Чунки корейс халқи ҳам ўзбеклардай инсон қадрини эъзозлар экан.

-- Анниони хосимика! -- деди Сеул аэропортида самолётдан тушгани ҳамон ўзбек йигити муҳандис Саидаҳмад Икромов -- трап олдида кутиб турган мезбонларга.

Дўппи кийган ўзбек йигитининг икки қўлини кўксига қўйиб, эгилиб корейсча «Ассалому алайкум!» дейиши уларнинг чеҳрасини очди, она тилларини эъзозлаган ўзга халқ фарзандига ҳурмат билдириб, қўл қовуштириб, корейсчалаб, бир овоздан хор билан:

-- Анниони хасеё! -- деб алик олдилар.

Аэропортда боғланган дўстлик риштаси ўзбек муҳандисининг ҳунар ўрганишига катта йўл очди. Заводда ундан ҳеч нарсани яширмадилар. Умумий бўлим деб аталмиш хўжалик ишлари штаби уларда ишчиларга ғамхўрлик, деб аталар экан. Ишчиларни уйларидан заводга ташиб келиб, кийинтириб, текин овқатлантириб, хизмат анжомлари билан тўла таъминлаб, ҳар икки соатда дам олдириб, иш тугагач, яна уйларига еткизиб қўйишдан тортиб, заводнинг соат механизмидай ишлаши учун барча шароитларни муҳайё қилиб бериш -- умумий бўлим зиммасида экан. Саидаҳмад Икромов ҳозирги кунда «ДЭУ» корхоналарининг бу тажрибасини ўзи бошлиқ бўлган «ЎзДЭУавто» корхонаси умумий бўлимида оғишмай жорий қилмоқда.

— Корейсларнинг осиёликларга хос хислат ила шарқона удум, урф-одатларга риоя қилиб яшашларини кўриб ғоят қувониб кетдик, -- дейди йиғув цехининг мастери Мухторжон Турсунов. -- Улар уйларида хонтахта атрофида тўшаклар солиб, чордона қуриб ўтирганларини кўрдик. Меҳмонни эса, ўзимизча икки қўли кўксида жон-дилидан кутиб олишлари бизларни янада яқин қилиб қўйди.

(Давоми бор).

